

ЎТКИР ЛЕЙКОЗЛИ БЕМОРЛАРДА АНТРАЦИКЛИНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ КАРДИОТОКСИК АСОРАТЛАР РИВОЖЛАНИШИДАГИ МОДИФИКАЦИЯ ҚИЛУВЧИ ПОЛИМОРФИЗМНИ ЎРНИ

¹Каюмов А.А.

²Нуриллаева Н.М.

³Зокирова М.Б.

^{1,3}Республика ихтисослашган гематология
илмий-амалий гематология маркази

^{2,3}Тошкент давлат тиббиет университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18154355>

Долзарблиги. Антрациклинли химиотерапия билан боғлиқ кардиотоксик асоратлар ўткир лейкозли беморларни даволашда муҳим клиник муаммо ҳисобланади. Кардиотоксикликнинг индивидуал даражада намоён бўлиши молекуляр-генетик омилларнинг аҳамиятини кўрсатади. Эндотелин-1 ни кодловчи EDN1 гени қон томир тонуси, эндотелиал дисфункция, яллиғланиш ва оксидатив стрессни тартибга солишда асосий роль ўйнайди.

Тадқиқот мақсади.

Ўткир лейкозли беморларда химиотерапия фонида ривожланадиган кардиотоксик асоратлар шаклланишида EDN1 гени полиморфизмининг ролини баҳолаш.

Материаллар ва усуллар.

Тадқиқотга жами 50 нафар ўткир лейкозли бемор киритилди, уларнинг 28 нафари ўткир лимфобласт лейкоз (ЎЛЛ) ва 22 нафари ўткир миелобласт лейкоз (ЎМЛ) билан касалланган. Барча беморлар антрациклинларни ўз ичига олган стандарт химиотерапия схемалари бўйича даволанди. EDN1 гени полиморфизмини аниқлаш молекуляр-генетик усуллар ёрдамида амалга оширилди. Кардиологик баҳолаш электрокардиография, эхокардиография ва кардиоспецифик биомаркерлар (тропонин, NT-proBNP) ни аниқлашни ўз ичига олди.

Натижалар. EDN1 гени полиморфизмининг ноқулай вариантлари ташувчиларида кардиотоксик асоратлар нисбатан кўпроқ кузатилди. Бундай беморларда чап қоронча фракциясининг пасайиши, диастолик дисфункция белгилари ҳамда кардиомаркерлар даражасининг ошиши қайд этилди.

Хулоса. EDN1 гени полиморфизми ўткир лейкозли беморларда антрациклинлар билан боғлиқ кардиотоксик асоратлар ривожланишини модификация қилувчи муҳим генетик омил бўлиши мумкин. Ушбу генетик маркерни ҳисобга олиш кардиоваскуляр хавфни эрта аниқлаш ва индивидуал мониторинг стратегияларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.